

Бону (тахаллуси; асл исми Самар Бону Сирожиддин кизи) (1837, Ўш — 1891, Андижон, Мингтепа кишлоги) — ўзбек шоираси, маърифатпарвар. Хувайдонинг чевараси. «Мерос дедим бобомлардин» маснавийсида Хофиз, Навоий, Шамс Табризий, Ахмад Яссавий ва бобоси Хувайдони тилга олиб, шоирлик истеъдоди ота-бобосидан мерос эканлигини таъкидлаган. Уларнинг асарларига тажнис, татаббулар ёзган.

Бону 19 ёшида бева колган. «Бону гариб» шеърида бу огир жудолик ва мусибатни турмуш ходисалари билан боғлаб, ўзи каби аёллар қисматидан, замонасидаги ҳақсизликлардан зорланган. Шеърларида Лайли, Ширин, Узролар билан дардлашган («Ёр жабр этди» ва б.). Бону руҳидаги исёнқорлик, оқилалик асарларига сингиб кетган. Севги мавзуидаги шеърлари шахсий хис-туйғулар билан чегараланмай, кенг ижтимоий мазмун касб этган. Бону ижодида шахс ва замон, аёллар тақдири масаласини асосий ўринга қўйган. Эрк учун ўзи танлаган йўлнинг тўғрилигига ишонган («Фалак озоридан минг дод», «Ҳеч қайси инсон ҳам», «Дидда дардим ким билур?», «Бенаволар» ва б.), бу йўлда собит турган. Бону шеърларини тўплаб девон тузган.

ГАЗАЛЛАР

Бону айтур бу оламдаки, гамсиз юрмадим харгиз,
Бу дунё даврини шодмону хандон сурмадим харгиз.

Жахонда юрдиму турдим, неча чектим жафоларни,
Жафосин кўрдум, эй дўстлар, вафосин кўрмадим харгиз.

Аё дўстларки, мен ёлғиз, гариби бенаво кулмен,
Топай ахли аёл, атфол деюб кайгурмадим харгиз.

Ки саккиз йил бўлур отам шикоря Ёркент айлаб,
Муборак юзларин кўруб кўзум тўйдурмадим харгиз.

Ки кўрмакни кўюб, эй тан, бўлак эмди талаб килгил,
Шарифим сарри пойидин ўзум жўкурмадим харгиз...

Жахонда хар бало бўлса, бахам бўлди гариб бошим,
Ситам бирла аламларни суруб, ёндирмадим харгиз.

* * *

Кўрунг бир дилбари золим менинг холим хароб айлаб,
Ёкуб ишк оташин жонимга, бағримни кабоб айлаб.

Кўзим телмуртуруб ёттим, баса кўп хор бўлди бош,
Кириб хилватда холим сўрмади чандин азоб айлаб.

Тилокимдур анинг васли, туну кун ёлвориб ҳақдин,
Очиб илгим дуога, йигладим, кўзлар пуроб айлаб.

Ётиб ҳажрингда беморе, бўлубман беҳуду хомуш,
Аё тан, сен нечук деб сўрмадинг, мунча итоб айлаб.

Талабкори висолингмен, нечукдин билмадинг холим,
Кириб олдимга бир соат, чикарни кўп шитоб айлаб.

Якинлик айладим чун ўтларингга, хижлатим кўпдур
Мени куйдурғали шамъи юзунгни бенихоб айлаб.

Хумор айлаб кўзингни ҳам кабокингни сузиб боксанг.
Битай шаънингга юз дафтар мошоирлик китоб айлаб.

Кўзинг жаллоди берахму, камон абрўларинг ўқлар
Мени бечоранинг чун ўлтурурга изтироб айлаб.

Гахи хушман, гахи нохуш, гахи беҳуш, гахи боҳуш
Бу Бонуни хароб эттинг сочинг мушкин таноб айлаб.

* * *

Ёр жабр этти дилим гарду губорин тозалаб,
Ширину Азроу Лайли онлара андозалаб.

Гулгун этти ашки селобим тўқуб хар рўзу шаб,
Усмау элик, уфоу ҳам кўзини гозалаб.

Дилбарим каттик кўнгуллик, махвашим нозук бадан,
Тешти кўксум, эзди багрим ноз узра нозалаб.

Фош этма, эй табибо, ишки дардин тут нихон,
Иста максудинг худодин ўзлигингни созалаб.

Эй ҳаким ахли, билиб дардимни изхор этмаким,
Топмади ҳеч шайъ муроде кори ишк овозалаб.

Горат этти мулки танни шохи ошиқлар келиб,
Бир куше учди кўлимдин кўк сари парвозалаб.

Факр аро махвашлара кочди бу Бону бош эгиб,
Ал-амон этти ракиблардин, билинг дарвозалаб.

* * *

Манга маккори золим макр этиб юз шўридин сад дод,
Бериб минг ваъдани килмас вафо, айёрдин сад дод.

Бошимга ёгдурур борони гамни ёзу киш тинмай,
Кўруб кажликни, дедим мен, фалак озоридин сад дод.

Огиз оша етушканда, бурунни тегдуруб тоша,
Анга кул бўлдим.эй дўстлар, жaxon маккординсад дод.

Вафо тогини кавладим, бошимга текдуруб теша,
Килибдур пора-пора, золими хунхордин сад дод.

Висоли бокамолидин айирмок касдини кўзлар,
Ёкиб рашк ўтининг ишк эллара, агёрдин сад дод.

Бу гам гирдобидан фориғ бўлолмай кўз ёшим окти,
Деди Бону амон бермас манга хар кордин сад дод.

* * *

Бу фалак кажравлигидин бўлди дил хуноблар,
Ашкборимдин тўкилгай коса-коса облар.

Зулми агёра чидалмай, ишк майини нўш этиб,
Кунда-кунда хун ютиб, багрим тўла зардоблар.

Фуркату гам бир сари, ишкнинг балоси бир сари,
Жон кутулмас иккисидин бас бўлиб бетоблар.

Шархи дилни арз этарга дардмандон топмадим,
Сабру токат колмади, кетти кўзумдин хоблар.

Муддаойинг не, санам, килдинг ситам уст устина.
Юргузуб хукмингни хардам кулдугинг иштоблар.

Офтоби гамда колдим, кил бошимга соя бахт,
Толеи шумум синикдур, синди дурри ноблар.

Муштарий, Миррих ситоранг сувга тушди, Бонуё,
Кўз ёшинг дарё бўлиб тортти сени гирдоблар.

* * *

Мени кўрган кунимни кўрмасун ҳеч кайси инсон ҳам,
Кўруб холимга раҳм айлар тамоми номусулмон ҳам.

Кима мен меҳрибон бўлуб, анга сарф айладим дил, жоп,
Манга номехрибон бўлди тамо-ми ёрў, жонон хам.

Кўринг бетолеимни айланур каж бу жахон чархи,
Манга колгонда беодил тамоми беғу султон хам.

Кими кўрсам суюб жону дилимдин парвариш эттим,
Манга раҳм этмади инсон ичинда ҳеч мусулмон хам.

Менингдек бормукин асло вафо излаб жафо кўргон,
Умрни зое ўтқарган менингдек борму нодон хам.

Тасаддук зоти покингдин, менга эмдики сен яхши,
Тополмай изласам мен ахтарурда Чину хокон хам.

Жахонда тургонимга юз туман бисёр ташвишмен,
Гаминг хат бирла ёз, Бону, узатма сўзни хар ён хам.